

Намозга виқор билан келинг!

Image not found or type unknown



16:00 / 21.11.2021 2615

يَلْبَسُ بِيَابَ الْغَمِّ يَلْبَسُونَ نَحْنُ آمَنُ بِ: لَأَقُوعُهُ لَلِإِيضَرَّةِ دَاتِقِ يَبَأُنْ
مُكُنْ أَشْ أَمَ: لَأَقُ يَلْبَسُ آمَلَفِ، لَأَجْرَةَ بَلَجَ عَمَسْ ذِإْ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ
هَلَّصَلَا مُتَيَّتْ إِذِ، أَوْلَعَفَتِ أَلَفِ: لَأَقُ هَلَّصَلَا يَلِإِ أَنْ لَجَعْتُ سَا: أَوْلَأَقُ
هُأَوْرَ، أَوْمَتِ أَفْ مُكْتَأَفِ أَمَوِ أَوْلَصَفِ مُتْ كَرْدَأْ أَمَفِ هَلَّصَلَا بْ مُكْتَيْلَعَفِ
هُتَالْتَلِ.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқиётган эдик. У зот бирдан одамларнинг тапир-тупурини эшитиб қолдилар ва намозни ўқиб бўлиб:

«Сизга нима бўлди?» дедилар.

«Намозга шошилдик», дейишди.

«Ундай қилманглар. Намозга келганингизда ўзингизга оҳисталикни лозим тутинглар. Етганингизни ўқиб, ўтганини тўлатиб ўқинглар», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Намоз Аллоҳ таоло билан мулоқот, муножот эканлиги ҳаммага маълум. Жамоат намозига келаётган одам уйдан масжидга қараб биринчи қадамни босишидан бошлаб намозда турган ҳисобланади.

Демак, у намоз ўқиш одобини сақлаши керак. Шошилиб, апил-тапил, номуносиб ҳаракатлар қилиш намоз одобларига тўғри келмайди. Асли ундай одам оҳисталик билан, шошилмай, ўзини виқор билан тутиб, ҳаракат қилиши лозим. Намозни етган жойидан жамоат билан ўқийди. Ўтган жойини эса ўзи ўқиб, тугатиб қўяди.

هُنَيْكُسَلْ اُمُكَيْلَعَوِةَ الصَّلَاةِ اِلَى اَوْشُمْ اَفَ اَمَاقِ اِلْ اُمْتَعَمَسَ اِذَا؛ اَوِي اَوِي فَو
يَفَو . اَوْمَتْ اَفْ اَمَ اَوِ اَوِ لَصَفْ اُمْتَكْرَدَا اَمَفْ ، اَوُعْرَسَتْ اَلْ وُ رَاقَوْلْ اَوِ
هُنَيْلَعَوِ شَمَيْلْ نَكَلْ وُ اَمُكُدَحَا اَهَلْ غَسِي اَلْ اَفَ اَلْ صَلَابِ بَوْتْ اِذَا؛ اِي رَحَا
كَقَبَسْ اَمِ صُقَا وَا تَكْرَدَا اَمَلْ لَصْ ، رَاقَوْلْ اَوِ هُنَيْكُسَلْ ا

Бошқа бир ривоятда:

«Иқоматни эшитсангиз, ўзингизга оҳисталик ва виқорни лозим тутган ҳолингизда намозга боринг. Шошилманг. Бас, намозни етган жойингиздан ўқинг, ўтган жойини ўзингиз тамомланг», дейилган.

Яна бир ривоятда:

«Намозга иқомат айтилса, бирортангиз унга югургилаб бормасин. Лекин ўзига оҳисталик ва виқорни лозим тутган ҳолида юриб борсин.

Намозни етган жойингиздан ўқи. Сендан ўтганини адо этиб қўй», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятларда биринчи ривоятдаги маъно бир оз кенгроқ қилиб таъкидланмоқда.

Ундаги оҳисталик шошмасдан ҳаракат қилишни ва беҳуда ҳаракат қилмасликни билдиради. Виқор эса кўринишдаги ҳолат бўлиб, иккала маъно бир-бирини тўлдириб келмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди